

Қорилар устозининг чиройли ўлими



08:04 / 26.05.2020 3404

Шайхулислом Ансорийдан ривоят қилинади: «Найсабурдаги Бохриз деган туманлик бир киши: «Тушимда Қиёмат қоим бўлганини кўрдим. Қарасам, жуда гўзал бир киши от миниб олган экан. Шунда кимдир: «Огоҳ бўлинглар! Бугун ҳеч ким бу кишидан олдинга ўта олмайди», деб жар солди. Мен: «У ким?» десам, «Аҳмад ибн Ҳанбал», деб жавоб беришди».

Хатиб айтади: «Ибн Фазл Қаттоннинг шундай деганини эшитдим: «Қорилар устози Муҳаммад ибн Ҳасан Наққошнинг олдида эдим. У 351 йил шаввол ойининг учинчи куни вафот этди. У жон талвасасида **«Амал қилувчилар мана шу ютуқ учун амал қилсинлар»** (Софат сураси, 61-оят) оятини уч марта такрорлаб, жони узилди».

Аллоҳ ҳузурдаги (мукофот) эса яхшироқ ва боқийроқдир

Ҳоким айтади: «Абул Фазл Сулаймонийнинг шундай деганини эшитдим: «Абу Муҳаммад Музанийни вафотидан кейин икки марта тушимда кўрдим. У ўзининг ҳолати ҳақида хабар бергандек, баланд овозда: **«Аллоҳ ҳузуридаги нарса (мукофот) эса яхшироқ ва боқийроқдир»** (Қасос сураси, 60-оят) оятини ўқиди».